

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Д.Анваров</b>	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбекимнинг Фарғона водийси жараёнларидағи тасвири..	167
<b>М.Жўраев</b>	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва кўкбўзот юлдузлари.....	170
<b>З.Рахимов, Д.Гуломов</b>	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
<b>М.Ғаниев</b>	
Ўзбек насрода тарихий роман генезиси ва ривожи.....	176
<b>М.Хамидов</b>	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар .....	180
<b>Р.Умурзаков</b>	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи .....	186
<b>И.Саймуратова</b>	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи .....	190
<b>Д.Тўраева</b>	
Бадий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар .....	195
<b>Н.Бўриева</b>	
Уилям Шекспир сонетларининг бадий хусусиятлари .....	200
<b>Н.Ҳамраев</b>	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари .....	204
<b>Х.Убайдуллаев</b>	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида .....	208
<b>М.Батирханова</b>	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
<b>Ш.Хасанова</b>	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
<b>Г.Турдиева</b>	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....	217
<b>Л.Галимуллина</b>	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металларнинг рамзий аҳамияти.....	221
<b>Н.Гофурова</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи .....	226
<b>У.Маҳмудова</b>	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида .....	229
<b>З.Акбарова</b>	
Концепт ва лисоний онг .....	233
<b>З.Тожиматова</b>	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
<b>Х.Хусамбоева</b>	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти .....	238
<hr/>	
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ</b>	
Адабиётимиз фидойиси .....	241

балки, унинг атрофида йигилган бутун оломонни ҳайратда қолдиради. Баҳодир Ялангтӯшибий Муҳаммад Аваз устидан чиқарган ўлим жазосини бекор қилиш фикри, уни юртдан бадарға қилиши билан ўзгаради. Адолат тантанаси етакчилик қиласди. Агар қисса якуни ёзувчининг илк ижодий режасига биноан, яъни Муҳаммад Авазнинг ўлдирилиши билан якунланса, унинг бадиий савияси бу даражада юксалмасди. Муаллифнинг фикридан англашиладики, ижодий жараёнда асар ечимиға хос сирлилик, уни фожеа билан эмас, адолатли қарор топиши ёзувчининг ўзини ҳам қониқтиради. Агар, дастлабки ижодий ният ўзгармаганида, аввало, Ялангтӯшибий шахсига соя солиниши, шу билан бирга,

суратга мос бўлмаган талқиннинг берилишида ҳақиқатнинг синишига йўл қўйилиши, асар моҳиятига мос келмасди.

Хуллас, бадиий ижод жараёнида илк ижодий режанинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолатларни, ёзувчи эстетик қарашларини, етук бадиий асарларнинг майдонга келиш сабабларини, ижодий эволюциянинг ўзига хосликларини таҳлил қилишга, бу орқали ижодкор маҳоратини ёритишга имкон беради. Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланиш жараёнида ёзувчи кўнглидаги ғоявий-бадиий ният турфа хил шаклланиб, асар ёзилиши давомида турлича ўзгариши моҳиятни ўзгартирса-да, бадиий ғоя унга асос вазифасини ўтайди.

#### Адабиётлар:

1. Жамоа. Адабиёт назарияси. II жилдлик. II жилд. – Т.: Фан, 1979.
2. Осим М. Синган сетор. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
3. Ёзувчи Асад Дилмурод билан сұхбат матни муаллиф архивида сақланади.
4. Дилмурод А. Мезон буржи. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Ёқубов И. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. 4-сон.
6. Ёзувчи Асад Дилмурод билан сұхбат матни муаллиф архивида сақланади.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).

УИЛЯМ ШЕКСПИР СОНЕТЛАРИНИНГ БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ  
ХУДОЖЕСТВЕННОЕ СВОЕОБРАЗИЕ СОНЕТОВ УИЛЬЯМА ШЕКСПИРА  
ARTISTIC PROPERTIES OF WILLIAM SHAKESPEARE SONNETS

Н.Бўриева<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Н.Бўриева

— А.Қодирий номидаги ЖДПИ, фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация**

Мақолада Уилям Шекспир сонетларининг бадиий хусусиятлари борасида сўз кетади. Шекспир сонетларида Уйғониш даври гоялари – инсонпарварлик, одамийлик, бағрикенглил гоялари ифодаланган. Шекспирнинг дастлабки сонетларида оптимистик руҳ билан суғорилган ибтидо бўлса, сўнгилари эса чукур фалсафи мазмунга эга. Шекспир сонетларининг мавзулари мураккаб ва рангбарандир. Шекспир сонетларида юксак шеърий санъатларни қўллаган, аммо унинг энг яхши сонетлари жонли воқелик билан уйғунлашган.

**Аннотация**

В статье рассматриваются художественные особенности сонетов Уильяма Шекспира. Сонеты Шекспира выражают идеи Ренессанса - идеи человечества, человечности, терпимости. В то время как ранние сонеты Шекспира имеют начало, наполненное оптимистическим духом, последние - глубокий философский смысл. Темы сонетов Шекспира сложны и красочны. Шекспир использовал высокое поэтическое искусство в своих сонетах, но его лучшие сонеты гармонировали с яркой реальностью.

**Annotation**

This article discusses the artistic features of William Shakespeare's sonnets. Shakespeare's sonnets express the ideas of Renaissance - the ideas of humankind, humanity and tolerance. While Shakespeare's early sonnets have a beginning filled with an optimistic spirit, the latter have a deep philosophical meaning. The themes of Shakespeare's sonnets are complex and colorful. Shakespeare used high poetic art in his sonnets, but his best sonnets combined with vivid reality.

**Таянч сўз ва иборалар:** сонет, шеърият, жанр, лирик кечинма, лирик қаҳрамон, шоир, фалсафи маъно, услуб.

**Ключевые слова и выражения:** сонет, поэзия, жанр, лирическое переживание, лирический герой, поэт, философский смысл, стиль.

**Keywords and expressions:** sonnet, poetry, genre, lyrical experience, lyrical hero, poet, philosophical meaning, style.

Жаҳон адабиётида сонет жанри XII асрга келиб шаклланди. Ўтган даврлар мобайнида у янада сайқал топиб, ўзининг турли кўринишларига эга бўлди. Аслида илк сонетчилар қадим Прованс ўлкасида яшаган бўлиб, ўрта аср трубадур (провансча: trobador-топқир) шоирлар эди. XII асрнинг сўнгида Италияning Сицилия ва Тоскане вилоятларига келиб қўним топган трубадурлар маҳаллий шоирлар билан ижодий ҳамкорликда янгича шеърий жанр – сонет (италиянча: sonetto-аниқ қолипли жарангдор шеър)ни кашф қилдилар. Кейинчалик “янги хуштаъб услуб” (италиянча: dolice stil nuovo) дея ном қозонган бу шеърий қолипда буюк Данте ўз севгилиси Беатричега бағишлиган ишқий мисраларини битади. Унинг издоши

Петрарка ижодида сонет янада юксакликка кўтарилиди. Шоирнинг маҳбубаси Лаурага бағишилаб ёзган сонетлари ўз муаллифи номини жаҳон шеърияти шоҳсупасига олиб чиқди. XVI асрда сонет Францияга кўчиб ўтди ва Пьер де Ронкар, дю Белле каби гуманист шоирлар ижодида сонет жанри етакчи ўрин тутганинг гувоҳи бўламиз.

Ва ниҳоят, XVI асрнинг сўнгида сонет инглиз шеъриятига ҳам кириб келди. Томас Уайет, Филип Сидней ва Эдмунд Спенсер каби гуманист шоирлар ўз ижодида сонет жанрини янада такомиллаштирилар. Буюк шоир ва драматург Уильям Шекспир (William Shakespeare. 1564-1616) сонетнинг “инглизча шакли”ни яратиш билан бирга, уни ҳам мазмунан, ҳам бадииян юксак даражага кўтарди. [5, 194-б.]

ХХ асрда ўзбек адабиётига сонет жанрининг кириб келиши мухим аҳамият касб этди. Петrarка, Данте, Шекспир сонетларидан илҳомланган ўзбек адибларидан Усмон Носир ва Барот Бойқобилов ўзининг туркум сонетларини яратди. Кейинчалик Р. Парфи, А. Шер каби шоирлар сонет жанрини юксак даражага кўтардилар. [2, 205-б.]

Мана тўрт юз ийлдан ошибдики, Уилям Шекспирнинг ижодини тадқик қилиш бутун дунё олимлари учун долзарблигича қолмоқда. Шекспир ўз асарларида Уйғониш даври ғояларини – инсонпарварлиқ, одамийлик, бағрикенглик ғояларини ифодалади. Шекспирнинг дастлабки сонетларида оптимистик рух билан суфорилган ибтидо бўлса, сўнгилари эса чуқур фалсафий мазмунга эга.

Шекспир сонетларининг мавзулари қанчалар мураккаб ва рангбаранглигига эътиборимизни қаратамиз. Шекспир сонетларида кўплаб қиёфалар намоён бўлади. Бу шеърларнинг энг серқирра қиёфаси лирик қаҳрамон ҳисобланади. Қаҳрамон ҳамма синовлардан ўтади – севги, рашқ, дўстлик... ҳар сафар унинг янги қирралари очилади. Лирик қаҳрамоннинг қиёфаси романтик ёзувчиларнинг қаҳрамонларига ўхшайди, лекин муаммолар доираси ва қиёфалар тизими борган сари кенгаяди. Шоирнинг дўсти ва муҳаббат сонетлари қаҳрамони буғдой ранг гўзал хоним билан бир қаторда атрофда оломон қиёфалари пайдо бўлади. Лирик қаҳрамон фақат романтик муаммоларни эмас, ҳаёт-мамот масалалари, инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти давоми ва у дунёдаги унинг мавжудлиги муаммоларини ҳам ҳал қиласди. Ренессанс (Уйғониш) даврининг талабларига жавоб берган бу ғоялар сонетларни чуқур фалсафий мазмун билан тўлдирган. Сонетнинг ўзига хос шакли битта шеърда чуқур мазмунли бутун ҳикояни охирида эса ҳикматли сўзни ўз ичига олади. Сонетнинг охирги икки қатори катта қизиқишини ифодалайди: уларда ҳамма ёзилганларга якун сифатида хulosса, даъват ва маслаҳат бор. Сонетнинг асосий қисми уч тўртлиқдан иборат бўлган ўзида баъзан бутун завқли ҳаётий ҳикояни мужассам этади. Бир инсонни ҳар томондан кўрсатиш билан, ҳар қандай муаммо ҳал қилинади. [3, 6-б.]

Шекспирнинг “Сонетлар” (Sonnets) китоби 1609 йил ношир Томас Торп тарафидан илк бор чоп этилганди. Шоир замондоши, адабиётшунос Франсиз Мерезнинг таъкидлашича, Шекспир ўз сонетларини 1592-1598 йиллар орасида ёзib тугатган. Юқоридаги нашрга шоирнинг 154 та сонети жамланган эди. Сонетлар мазмунидаги фалсафий теранлик, лиризм устиворлиги, кўтаринки кайфият ва мусиқавийлик ўқувчини ўзига ром этади. Шекспир сонетлари шубҳасиз диққатга сазовор поэтик асарларнинг энг чиройли намунасиdir.

Шекспиршуносларнинг фикрига қараганда, унинг сонетлари кўпинча монолог оҳангода ёзилган. Шекспиргача яратилган кўпгина сонетларда ийғлоқи севги оҳангি ҳукмрон эди. Шекспир сонетлари фақатгина ёник туйғулар, эҳтирослар инъикоси эмас, балки ақлу идроқ, бой фикр ва мушоҳада маҳсулидир. Шу томони билан Шекспир сонетлари ўз замондошлари сонетларидан тубдан фарқ қиласди. Шекспир сонетлари ҳаётни севишга, ундан баҳра олишга, зурёд қолдиришга ундейди. Унинг бутун ижодидек сонетлари ҳам инсонни олға, келажакка даъват этади. Чунки инсон насли унинг ижоди бўлганидек, инсон ижоди ҳам унинг насли бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деган тушунча сонетлар руҳига сингдирилган. Уильям Шекспир жаҳондаги қайси бир миллат адабиёти ва санъатига кириб борган бўлса, уни биринчи драматург сифатида қабул қилишган. Шекспир асарларининг у ёки бу халқ театр сахнасида моҳирлик билан ижро этилиши, ўша юрт маданий ҳаётидаги ўсиш ва ривожланишдан далолат берган. Тафаккур ва тахайюлда Шекспирга яқинлаб бориш учун қолоқлик ва гумроҳлик оғатларидан қутулган бўлиш лозим. Табиатида мутелик, майдакашлик ва қўрқув бўлган халқ Шекспир ижодиётининг мазмун-моҳиятини ҳеч вақт яхши ўзлаштиrolмайди. Қулликнинг ҳар қанақа жирканч кўринишига, зулм ва адолатсизликнинг ҳар қандай ҳамласига қарши курашишда Шекспир талантни матонат кўрсатган. У инсоният эрки ва озодлиги учун жанг қилган баъзи афсонавий қаҳрамонлар ҳам шиҷоатда унга тенглашолмайди, десак ҳеч хато бўлмайди. Шекспир жасоратини оловлантирган сўз ва фикр шамшири ўткир, маҳобатли эди. Қаламга қарши қилич яланғочлаб бўлмаслигини, чинакам кучкудрат салтанат, шоҳлик, бойлик, моддий

нуфузда эмас ақп ва юрак мулкида, саңыаткорлик захматида эканлигига Шекспир шубхаланмасди. [1, 116-б.]

Уилям Шекспирнинг олтмиш олтинчи сонети драматургнинг ҳомийси учинчи граф Саутгемптон Генри Ризлига аталган дўстлик синовларини ҳикоя қилувчи шеърлар тематик гурӯхга киради.

Шекспир сўнгги нафасигача ижодий меҳнатдан йироқлашмаган, нима ёзган бўлса – ёниб, ўзини бағишлаб ёзган. Шекспир ижодида адабиётнинг ҳеч бир нимага қарамлиги, тилёғламалиги, субтсизлиги кўзга ташланмайди.

“Ёвузлик қаердан пайдо бўлган?” деган саволга, бизнингча, Шекспир асарларини ўқиб мушоҳадага киришган киши истаганича жавоб олади. Ёвузлик ва ёвузлика туғилажак мудҳиш касофатларнинг ахлоқий, ижтимоий, диний, сиёсий ўзанини Шекспир сонет жанридаги шеърларида ҳам ҳаққоний тасвиrlаб берган.

Ўлим калимаси тилга олиниб, дилдилдан ўлимга мурожаат этилгани билан бу шеърда ўлимга бош эгиш кайфияти йўқ. Шоҳми, гадоми, ёшми, қарими – ҳеч кимга ўлим шафқат қилмайди. Тирик инсон борки, қай бир зайлда барибир ўлимдан чўчиди. Ўлим – тирикликнинг сўнгги нуқтаси – ҳаёт интихоси эканлигини ҳамма англайди. Аммо дунёда ўлимга нисбатан кўп бора мусибатли қайгули кулфат ёки фожиалар борлигини ҳамма ҳам чуқур тушуниб етавермайди. Шеърхон дикқатини Шекспир айнан шу зиддиятга жалб этади. Шоир нигоҳи ила ҳаётга назар ташлаб, шеърда кетма-кет таъкидланган воқеа-ҳодисаларни хаёлдан ўтказсангиз, ишонинг, ўлим тимсолида одил нажоткорга юзлангандай бўласиз. Бошқасини кўя турайлик: олиму фузалоси таъма ва садақага қул бир мұхитда кимдан нажот кутасиз? Олимни тиланчни, тиланчини олим айлаган оламнинг нима кераги бор? Албатта, “аҳли диёнат” ростликтан юз буради. Албатта дуч келган нокас, факиру ҳақирнинг устидан кулиб, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона калака қиласди. Турмуш ана шунда ўз-ўзидан маънавий ахлоқий бузилиш, макр ва риё масканига айланиб, жаҳолат донолик либосига бурканади ва иффат мухофизида ажралади, комиллик тухмат ва бўхтон билан “тақдирланади”. Хуллас, ўз ўткинчи фароғати учун энг дахлсиз қадриятларга хиёнат қилиш машъум бир кўникмага кўтарилади. Бундай

вазиятда ман-ман деган мутафаккир ё аллома қўлидан ҳам таъсирли ҳеч иш келмайди: иллат иллатга кенг йўл очади, оғат оғатни қўллаб-куватлайди, ёлғон ва риё тўғриликка эрк бермайди. Бор-йўғи ўн тўрт мисрали сонетда даври ва замонасидаги шу фожеани Шекспир бутун кулами билан ёрқин ифодалашга эришган.

66-сонетнинг асосий ғояси – лирик қаҳрамоннинг атрофидаги воқеликнинг номукаммаллигини қабул қилмаслиги. Кўпроқ насрый матнларга хос асосий инсоний кусурларни санаб ўтиш билан характерланади. Улар шоир учун тоқат қилиб бўлмайдиган даражада эди. Унинг қалбини вайрон қилувчилар атрофида яшашдан кўра ўлимни афзал кўрган.

Биринчи катреннинг биринчи қатори “сонет калитининг” биринчи қатори билан оҳангдош. Асар лирик қаҳрамоннинг чарчоқ, тўғрироғи азобланиш фикри билан бошланган (инглизча “tired” бир нечта турда талқин қилиш мумкин – чарчаган, ҳолдан тойган, ҳорғин, азобланган): “Tired with all these, for restful death I cry.” Охирида яна бир бор нимадан кетмоқчилигига назар ташлаб, шоир ўлимдан паноҳ топса, муҳаббатини ёлғиз қолдиришини тушунади. Даастлабки умидсизлик ва чорасизлик факат битта муҳаббат учун дунёнинг ноҳақликлари журъатсиз умид билан кўнади.

Биринчи катреннинг иккинчи қаторидан бошлаб, то учинчи катреннинг охирги қаторигача ўқувчи олдида Яхшилик ва Ёмонлик ўртасидаги кураш намоён бўлади. Лирик қаҳрамоннинг фикрича Ёмонлик ғалаба қозонади. Ҳар бир қаторда дунёнинг номукаммалликлари акс этиб улар “and” (“ва”) боғловчиси билан бошланган. Улар сонет вазнига қўшимча (товуш даражасида) тушкунлик тусини беради. Шоир бу оламни қабул қилмайди чунки унда:

### 66 сонет

Tired with all these, for restful death I cry,  
As, to behold desert a beggar born,  
And needy nothing trimm'd in jollity,  
And purest faith unhappy forsworn,  
And gilded honour shamefully misplaced,  
And maiden virtue rudely strumpeted,  
And right perfection wrongly disgraced  
And strength by limping sway disabled,  
And art made tongue-tied by authority,  
And folly doctor-like controlling skill,  
And simple truth miscall'd simplicity,